



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 31 » mart

№ 145

Toshkent sh.

### **Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларни ижтимоий – ҳуқуқий, психологик, тиббий ва моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликларида юридик шахс бўлмаган, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклидаги “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – “Аёллар дафтари” жамғармаси) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш, ушбу хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштириш, мазкур чора-тадбирлар ижроси устидан мониторинг ўрнатиш ҳамда “Аёллар дафтари” рўйхатидан чиқариш тартибини назарда тутувчи “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда – Низом) 1-иловага мувофиқ;

“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари харажатларини молиялаштириш тартибини назарда тутувчи “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа масъул вазирлик ва идораларга **“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қуйидаги вазифаларни устувор равишда амалга ошириш юклатилсин:**

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш;

томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланиши учун кўмаклашиш;

уларни тадбиркорликка жалб қилиш;

моддий ёрдам кўрсатиш;

турар жой ижараси учун компенсация тўлаш;

ижтимоий уйларга жойлаштириш ва уларнинг уй-жойларини таъмирлашга кўмаклашиш;

тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратсин.

4. Белгилансинки:

а) “Аёллар дафтари” жамғармасининг даромад ва харажатлари йиллик параметрларини ва уларнинг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни, йиллик иш режаларини тасдиқлаш ҳамда жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ваколатлар “Аёллар дафтари” жамғармаси Васийлик кенгаши (кейинги ўринларда – Васийлик кенгаши) томонидан амалга оширилади. Бунда даромад ва харажатларнинг йиллик параметрлари маҳаллабай тақсимланади;

б) Васийлик кенгаши аъзолари жамғармани бошқариш бўйича фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади;

в) “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ҳамда секторлар раҳбарлари билан ҳамкорликда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари:

ҳар чоракда маҳаллий бюджет прогнозининг ортиқча бажарилган қисмининг камида 15 фоизи, бироқ “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари харажатларини молиялаштиришга етарли бўлган миқдорда “Аёллар дафтари” жамғармасига йўналтирилишини таъминласин;

“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган ва уй-жойини таъмирлашга мухтож эҳтиёжманд хотин-қизларнинг уй-жойини тизимли равишда таъмирлаш ишларини амалга оширсин.

Бунда ҳар бир уй-жойини таъмирлаш ишларига “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорда маблағ ажратилиши назарда тутилсин.

7. “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандлари ёшидан қатъи назар) фарзандларига даволаш, дори воситалари олиб бериш ёки мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун маблағ зарур бўлган ҳолатларда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси хулосаси ва сектор раҳбари тавсияси билан тиббий муолажа харажатларини “Аёллар дафтари” жамғармаси ва Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб бериш тартиби жорий этилсин.

8. “Аёллар дафтари” юритилиши бўйича секторлар раҳбарлари ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси масъул ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда:

“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича мазкур қарор билан жорий этилган янги тартибни амалиётга жорий этиш чораларини кўрсин;

жамиятда хотин-қизларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка, хусусан, аёлларга тушунтириш, шунингдек, “Аёллар дафтари” билан ишлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштирсин.

10. Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссиясининг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси томонидан:

“Аёллар дафтари”ни шакллантириш ва унга киритилган хотин-қизлар билан манзилли ишлаш, ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ҳамда зўравонликка учраган аёллар муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича масъул идора ва раҳбарларнинг натижага йўналтирилган фаолияти йўлга қўйилиши ва мувофиқлаштирилиши;

сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари – оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари томонидан жойлардаги хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳар ойда ҳисобот беришини йўлга қўйиш ташкил этилиши белгилансин.

11. “Аёллар дафтари” билан ишлаш электрон тизими Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш Давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилиши йўлга қўйилсин ва ушбу тизим орқали қуйидаги қўшимча имкониятлар яратилсин:

ижтимоий-ҳимояга муҳтож хотин-қизнинг “Аёллар дафтари”га киритиш ҳақидаги мурожаатини тўғридан-тўғри қабул қилиш;

ушбу мурожаатни кўриб чиқиш натижалари, агарда мурожаатни қаноатлантириш рад этилган бўлса, рад этиш асослари;

“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизларга кўрсатиладиган ёрдам турлари;

“Аёллар дафтари” орқали ёрдам кўрсатилаётган хотин-қизларнинг рўйхати ва уларнинг ҳар бирига кўрсатилган ёрдамларнинг аниқ турлари, ҳажми ҳамда келгусида режалаштирилаётган тадбирлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **2022 йил 1 июлга** қадар “Аёллар дафтари” билан ишлаш электрон тизими тўлиқ ишга туширилиши ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин;

**2022 йил 1 сентябрга** қадар “Аёллар дафтари” рўйхатига киритиладиган хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш, уларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштириш ҳамда ушбу чора-тадбирларнинг ижросини мониторинг қилиш, “Аёллар дафтари”дан чиқаришда имкон қадар инсон омилини камайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси З.Б. Махкамова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 31 мартдаги 145-сон қарорига  
1-илова

**“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом (кейинги ўринларда – Низом) кам таъминланган ва эҳтиёжманд хотин-қизларнинг муаммоларини маҳаллабай ўрганиш ва ҳал этиш ҳамда уларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш тартибини белгилайди.

2. Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**“Аёллар дафтари” тизими** – ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

**“Аёллар дафтари”** – ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси;

**“Аёллар маслаҳат кенгаши”** – ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг фарзанд тарбиясидаги ролини ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган маслаҳатлар бериш, “одобли қиз”, “иффатли келин” ва “маърифатли аёл” ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида ҳар бир фуқаролар йиғинида ташкил этиладиган ва жамоатчилик асосида фаолият юритадиган тузилма.

**“Индивидуал дастур”** – “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган ҳар бир хотин-қиз ҳамда уларга кўрсатиладиган амалий ёрдам турлари, даври (санаси), миқдори (суммаси, фоизи ва бошқалар) ва амалий ёрдамлар мониторинги тўғрисидаги маълумотлар мажмуи.

**секторлар** – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларининг тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг кўмаклашувчи коллегиал ишчи тузилмаси;

**секторлар ишчи гуруҳи** – сектор раҳбари бошчилигида иқтисодиёт, инвестиция, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаси, давлат бошқаруви органлари туман (шаҳар)лар тузилмаларининг малакали мутахассислари ва тижорат банклари ходимларидан иборат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланадиган махсус ишчи гуруҳлар.

3. “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **2-боб. “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш**

4. “Аёллар дафтари”га 30 ёшдан ошган қуйидаги тоифадаги хотин-қизлар киритилади:

1) **ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар** – бандлиги таъминланмаган, ишлаш истагида бўлган ва даромад манбаига эга бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

2) **тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар** – бандлиги таъминланмаган, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

3) **боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар** – боқувчиси вафот этган, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган, руҳий касалликка чалинган, I-II гуруҳ ногиронлиги бўлган ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлмаган, бедарак йўқолган (суд қарорига асосан) эҳтиёжманд хотин-қизлар, шунингдек, никоҳи бекор қилинган эҳтиёжманд хотин-қизлар ва эҳтиёжманд ёлғиз оналар (ФХДЁ органларининг маълумотномаси асосида);

4) **ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар** – меҳнатга лаёқатсиз, ўзгалар парваришига, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар;

5) **уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар** – нотурар жойларда истиқомат қилаётган, доимий яшаш учун турар жойи бўлмаган, бир хонадонда (кичик ҳовлида) уч ва ундан ортиқ оила яшаётган (уй-жой майдони белгиланган ижтимоий нормадан кам бўлган), бироқ ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган, хусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

б) **қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар** – ногиронлиги бўлган вояга етмаган (I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзанди ёшидан қатъий назар) фарзандини бевосита парваришлайётган эҳтиёжманд хотин-қизлар.

Бунда “Аёллар дафтари” рўйхатига киритиладиган хотин-қизлар юқоридаги тоифалардан фақат бирига киритилиши мумкин.

5. “Аёллар дафтари”га хотин-қизлар яшаб турган жойи бўйича киритилади, бунда хотин-қизларнинг яшаш жойи бўйича доимий ёки вақтинча рўйхатда турмаслиги “Аёллар дафтари”га киритишни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.

6. Хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари қуйидаги шаклларда ўрганилади:

секторлар ишчи гуруҳлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари билан биргаликда барча йўналишдаги муаммоларни ҳар йили январь ойида уйма-уй юриш орқали;

хотин-қизларнинг мурожаатлари, шу жумладан, “Аёллар маслаҳат кенгаши” ва “Аёллар дафтари” ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) орқали.

“Аёллар маслаҳат кенгаши”га ва ахборот тизими орқали мурожаат қилинган ҳолатда, анкета-сўровномалар маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан тўлдирилиб, сектор ишчи гуруҳига тақдим қилинади. Секторлар раҳбарлари ва туманлар (шаҳарлар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари биргаликда муаммоларнинг ҳаққонийлигини ўрганади ва ҳар ойда ўрганилган ва “Аёллар дафтари”га киритилиши керак бўлган хотин-қизлар рўйхатини халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тақдим этади.

Ўрганиш давомида хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари Низомга 1а-иловага мувофиқ анкета-сўровномалар орқали аниқланади.

7. Анкета-сўровномалар тўлдирилгандан сўнг 3 кун муддатда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлари билан солиштирилади ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланиб, секторлар раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи томонидан Низомга 1б-иловага мувофиқ уларнинг индивидуал дастурлари шакллантирилади.

8. Индивидуал дастурлар асосида секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи томонидан 3 кундан ошмаган муддатда “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатлари 1в-иловага мувофиқ ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси” лойиҳаси, имзоланган ҳолда, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш учун киритилади.

9. “Темир дафтар”га киритилган оилалардаги хотин-қизлар, фарзанди “Ёшлар дафтари”га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, илгари “Аёллар дафтари”га киритилиб, бандлиги таъминланган ёки тадбиркорлиги йўлга қўйилган хотин-қизлар такроран “Аёллар дафтари”га киритилмайди.

“Аёллар дафтари”га киритилмаган хотин-қизлар рўйхатини шакллантиришда устуворлик илгари “Аёллар дафтари”га киритилмаган хотин-қизларга берилади.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинган оилалардаги хотин-қизлар “Аёллар дафтари”нинг фақат “ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар”, “тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар” ва “уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар” тоифаларига киритилиши мумкин.

10. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши қарори билан “Аёллар дафтари”га киритилмаган хотин-қизларнинг рўйхатлари ва “Йўл харитаси” белгиланган тартибда тасдиқланади ҳамда ижрога қаратилади.

11. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида тасдиқланган рўйхатлар секторлар штабларининг котиблари томонидан 3 кундан ошмаган муддатда ахборот тизимида киритилади.

Секторлар раҳбарлари, туманлар (шаҳарлар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари “Аёллар дафтари”га маълумотларни киритиш ва чиқариш, уларнинг ҳаққонийлиги бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

Мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга ёрдам бериш бўйича амалга оширилаётган ишлар ахборот тизимида киритилади ва шундан сўнг бажарилган ҳисобланади. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга белгиланган тартибда ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан барча ҳисоботлар ахборот тизимида шакллантирилади.

12. “Аёллар дафтари” ушбу Низомга 1г-иловага мувофиқ схема бўйича юритилади.

### **3-боб. “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш**

13. “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун берилмаган кредит, субсидия, грант ва моддий ёрдам турларининг рўйхати 2-иловага асосан белгиланади.

14. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

**1) ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар учун:**

бандлигини таъминлаш;

зарур ҳолларда, сектор раҳбари хулосаси асосида бир марталик моддий ёрдам бериш;

**2) тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:**

тадбиркорликни йўлга қўйишга кўмаклашиш;

**3) боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:**

бир марталик моддий ёрдам бериш;

зарур ҳолларда, сектор раҳбари хулосаси асосида оғир турмуш шароитидаги (уй-жойи таъмирлашга муҳтож, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган) хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш;

**4) ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:**

бир марталик моддий ёрдам бериш;

зарур ҳолларда, сектор раҳбари хулосаси асосида оғир турмуш шароитидаги (уй-жойи таъмирлашга муҳтож, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган) хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш;

тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун зарур тиббий ёрдамлар кўрсатиш;

**5) уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:**

ижара компенсациясини тўлаш, ижтимоий уйларга жойлаштириш, уй-жой билан таъминлаш;

зарур ҳолларда, сектор раҳбари хулосаси асосида бир марталик моддий ёрдам бериш;

**б) қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:**

бир марталик моддий ёрдам бериш;

зарур ҳолларда, сектор раҳбари хулосаси асосида томорқадан ва деҳқончиликдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш.

15. “Аёллар дафтари” рўйхатида киритилган:

барча хотин-қизларга уларнинг мурожаатига асосан ҳуқуқий, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатилади;

захирага қайтарилган ёки янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонлари деҳқон хўжалиги ташкил этган ҳолда сабзавотчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш учун деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга

0,10 гектардан 1 гектаргача бўлган ўлчамларда белгиланган тартибда очик электрон танлов орқали 10 йилга ижарага берилади.

Бунда:

деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаларини очик электрон танлов орқали ижарага беришда ўз томорқасида мева-сабзавотчилик, полиз маҳсулотларини етиштириш ва узумчиликда яхши натижаларга эришган, ушбу соҳалардан бирида таянч мутахассисликка эга бўлган, “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган эҳтиёжманд хотин-қизларга алоҳида устуворлик берилади.

Зарур ҳолларда, мазкур банднинг учинчи кичик бандида назарда тутилган мақсадлар учун ажратиладиган субсидия маблағлари қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартиб асосида тегишли буюртма ижрочиларга тўғридан-тўғри ўтказиб берилади.

#### **4-боб. “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларга амалий ёрдам бериш тартиби**

##### **1-§. “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш**

16. Хотин-қизларнинг бандлигига қуйидаги йўналишларда кўмаклашилади:

а) секторлар раҳбарлари туман (шаҳар) инвестиция бўлимлари, маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, тижорат банклари ҳамкорликда тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларда хотин-қизлар учун яратилаётган янги иш ўринларига ишга жойлаштириш;

б) секторлар раҳбарлари туман (шаҳар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари ҳамда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан биргаликда мавжуд вакансия ва захира (квота) иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

в) секторлар раҳбарлари туман (шаҳар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари билан биргаликда кооперативларга жалб этиш;

г) туман (шаҳар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари ҳамда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар) тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари, Давлат солиқ инспекциялари томонидан касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқитишни ташкил этиш, тадбиркорликка жалб этиш, ўзини ўзи мустақил равишда банд қилишни ривожлантиришга доир фаолиятни ташкил этиш орқали бандликка кўмаклашиш.

Ушбу бандда кўрсатилган кўмаклашиш чоралари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **2-§. “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш**

17. Тадбиркорликни йўлга қўйишга кўмаклашиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

а) Савдо-саноат палатаси, АТ “Халқ банки”, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар уюшмаси, “Хунарманд” уюшмаси ҳамда ҳудудий хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ва тегишли нодавлат ўқув марказлари жойларда ўқув курсларини ташкил этиш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган ва “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг тадбиркорлик кўникмаларини ошириш ва бизнес лойиҳаларини тузишга кўмаклашади;

б) “Микрокредитбанк” АТБ, “Агробанк” АТБ ва АТ “Халқ банки”нинг туман (шаҳар) филиаллари орқали тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кредит ажратилади.

АТ “Халқ банки” “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларга кредит олишда кўмаклашиш, бу масалада республикада ажратилган кредитларнинг статистик ҳисоботини юритиш ва кредит ажратилгандан сўнг уларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш учун доимий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишларни мувофиқлаштиришга масъул ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш ишлари самарадорлигини ўрганади ва ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб боради.

18. Кредитлар “Аёллар дафтари”га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Бунда кредитлар 33 миллион сўмгача миқдорда ҳокимлар ёрдамчиларининг тавсиялари асосида ажратилади.

Кредитларни илгари олинган кредитлар ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтаришга, шахсий эҳтиёж учун автотранспорт воситаси сотиб олишга, маъмурий харажатларни тўлашга, жумладан, автотранспорт воситасининг таъминоти, мебель, алоқа хизматлари тўлови ва уяли телефон сотиб олишга ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва Марказий банкнинг қоидаларига кўра тақиқланган фаолиятларга ажратишга йўл қўйилмайди.

Кредитлар 14 фоизлик ставкада:

оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга – 3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга;

чорвачилик (четдан келтирилган насли кўй ва эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун – 1 йилгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга;

боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарни харид қилиш учун – 3 йилгача бўлган имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга ажратилади.

19. Кредитлар қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан кредит шартномасида белгиланган мақсадлар учун тегишли ташкилотларнинг банкдаги ҳисобварағига пул ўтказиш йўли билан ажратилади.

“Аёллар дафтари”га киритилган ва ўзини ўзи банд қиладиган хотин-қизларга айрим турдаги фаолиятни амалга ошириш (касаначилик, ҳунармандчилик, иссиқхона қуриш ва шу кабилар учун зарурий хомашё, эҳтиёт қисм ҳамда қурилиш молларини сотиб олиш) мақсадида 5 млн сўмгача миқдорида кредит маблағлари нақд пулда берилиши мумкин.

Кредитлар “Микрокредитбанк” АТБ, “Агробанк” АТБ ва АТ “Халқ банки”нинг туман (шаҳар) филиаллари томонидан “Аёллар дафтари”да ҳисобда турган хотин-қизларнинг мурожаат қилиш қатъий навбати асосида Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали ажратилади.

20. “Аёллар дафтари”га киритилган, бироқ кредит олишни рад қилган хотин-қизларнинг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаларига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастури доирасидаги ресурслар ҳисобидан йиллик 14 фоизлик ставкада имтиёзли кредитлар ажратилиши мумкин.

Бунда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни доимий иш билан таъминлаш шarti билан самарадорлиги юқори ва барқарор иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳаларига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш Давлат дастурлари доирасидаги ресурслар ҳисобидан 225 миллион сўмдан ортиқ, бироқ 1 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдорда белгиланган тартиб асосида кредит ажратилиши мумкин.

Кредит суммасининг аниқ миқдори тадбиркор томонидан иш билан таъминланадиган ҳар бир хотин-қиз учун 33 миллион сўмгача миқдорга мутаносиб равишда белгиланади.

**3-§. “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилиш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари харид қилиш учун субсидия ажратиш**

21. “Аёллар дафтари”га киритилган тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизларга асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари (тикувчилик, тўқимачилик, пазандачилик, соч турмаклаш, дурадгорлик, чилангарлик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги (мотокультиватор, ўт ўриш ўроқ машинаси, пайвандлаш аппарати, ўсимликларга ишлов бериш қурилмаси) ва бошқа соҳаларда ишлатиладиган меҳнат қуроллари ва аппаратларини харид қилиш учун 7 миллион сўмгача Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда ёки 10 миллион сўмгача “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Аёллар дафтари” жамғармаси Васийлик кенгаши (кейинги ўринларда - Васийлик кенгаши) қарорига мувофиқ субсидия ажратилади.

22. “Аёллар дафтари” жамғармаси орқали асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари харид қилиш мақсадида субсидия ажратиладиган ҳолларда, ариза берувчи Васийлик кенгаши раиси номига (аризада фуқаро ўз фаолиятини бошлаши учун керак бўладиган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларининг номи ва тури, сони, тахминий харид нархи ва бошқа қўшимча маълумотлар кўрсатилиши лозим) тақдим этади.

Ариза берувчининг қолган барча маълумотлари (электрон шаклдаги фуқаролик паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси нусхаси, тадбиркор сифатида давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ўтганлиги ёки ўзини ўзи банд қилган сифатида фаолият турлари бўйича солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат) ахборот тизими орқали инсон омилисиз аниқлаб олинади.

23. Васийлик кенгаши томонидан фуқаронинг мурожаатини 3 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ўрганиб чиқилади ҳамда ҳоким ёрдамчиси тавсияси асосида субсидия ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

24. Аризани кўриб чиқиш натижасида ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган ва унда камчиликлар ёки ёлғон маълумотлар аниқланмаган тақдирда, мурожаат қилувчига ўз фаолиятини бошлашига керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратиш тўғрисида Васийлик кенгашининг қарори расмийлаштирилади.

25. Васийлик кенгаши қарорида асбоб-ускуна, меҳнат қуролларининг номи ва уларни харид қилиш учун ажратиладиган субсидия миқдори кўрсатилади.

26. Аризани кўриб чиқиш натижасида ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганлиги ёки унда камчиликлар мавжудлиги ёхуд ёлғон маълумотлар кўрсатилганлиги аниқланган тақдирда, мурожаат қилувчига рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма равишда хабар берилади.

27. Васийлик кенгашининг ишчи органи – Оила ва хотин-қизлар бўлими Васийлик кенгаши қарори расмийлаштирилган кундан бошлаб 5 иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизими орқали қарорда кўрсатилган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини белгиланган тартибда харид қилиш чораларини кўради.

28. Буюртма асосида асбоб-ускуна ва (ёки) меҳнат қуроллари етказиб берилганда, бу ҳақда Васийлик кенгашининг ишчи органи қабул қилиб олган кундан бошлаб 1 иш кунидан кечиктирмай ариза берувчини хабардор қилади.

29. Тегишли асбоб-ускуна ва (ёки) меҳнат қуроллари ариза берувчига Васийлик кенгаши аъзолари ва ариза берувчи ўртасида тузиладиган далолатнома асосида топширилади. Далолатномада ариза берувчига тақдим этилаётган асбоб-ускуна ва (ёки) меҳнат қуролларининг хусусиятидан келиб чиқиб номи, тури, маркаси, кафолат муддати, харид қилинган нархи ва вақти кўрсатилиши керак.

30. Ариза берувчига ажратилган субсидия асосида харид қилинган асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролларидан самарали фойдаланилаётганлиги, уларнинг техник ҳолати созлиги кафолат муддати давомида сектор штаби котиби томонидан ўрганилади.

#### **4-§. “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларга томорқадан ва деҳқончиликдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш**

31. Секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда ҳоким ёрдамчилари билан ҳамкорликда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга томорқадан ва деҳқончиликдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;

парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш;

деҳқончилик билан шуғулланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш ишларида ҳар томонлама кўмаклашиш;

“Томорқа хизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари”ни ташкил этиш.

32. Мазкур низомнинг 31-бандида белгиланган мақсадлар учун субсидиялар ва кредитларини ажратиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **5-§. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатиш**

33. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан тасдиқланган рўйхатлар асосида “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам берилади.

Бир марталик моддий ёрдам “Саховат ва кўмак” жамғармаси ва бошқа қонунчиликда тақиқланмаган манбалар ҳисобидан ҳам берилиши мумкин.

Ушбу бир марталик моддий ёрдамни тўлаш учун:

а) маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари секторлар раҳбарлари билан биргаликда, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга мазкур Низомнинг 14-бандига мувофиқ бир марталик моддий ёрдам бериш миқдорлари (суммаси) кўрсатилган рўйхатни (ҳар бир хотин-қизнинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорти серияси ёки идентификацияловчи ID – картаси рақами кўрсатилган ҳолда) туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига тақдим этади;

б) туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими:

“Аёллар дафтари” жамғармасининг даромадлари ва тушумлари прогнозидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) молия бўлими билан келишилган ҳолда, бир марталик моддий ёрдамни ойма-ой тўлаш графигини шакллантиради ҳамда Васийлик кенгашига тасдиқлаш учун киритади. Бунда тасдиқланган ойма-ой тўлаш графигининг нусхаси маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларига ҳам тақдим этилади;

тасдиқланган графика асосан ҳар ойнинг 5 – санасига қадар маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан тақдим этилган рўйхатлар асосида тўлов ведомостларини шакллантириб, туманлар (шаҳарлар) ва хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг тегишли бўлимига (филиалига) тақдим этади;

в) туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг бухгалтерия бўлимлари тасдиқланган ойма-ой тўлаш графиги ҳамда тўлов ведомостлари асосида “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан зарур маблағларни хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг тегишли бўлимига (филиалига) кўчиради;

г) хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг тегишли бўлими (филиали) томонидан бир марталик моддий ёрдам тўловлари ҳар ойнинг 5 – 27-саналарида амалга оширилади. Ойнинг охириг иш кунида ведомостлар ёпилади. Ойнинг 27 санасига қадар тайинланган, бироқ ўз вақтида талаб қилиб олинмаган моддий ёрдамга йўналтирилган маблағлар “Аёллар дафтари” жамғармасига ўтказилади ва олувчининг биринчи талабига кўра тўланади. Ёпилган ведомостнинг бир нусхаси туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳамда оила ва хотин-қизлар бўлимига тақдим этилади;

д) туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими муҳтож хотин-қизларга тўланган бир марталик моддий ёрдам тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимига киритади ҳамда ёпилган ведомостнинг нусхасини тегишли маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларига тақдим этади.

Бир марталик моддий ёрдам бир календарь йили давомида бир мартаба берилади.

Сектор раҳбарлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан “Аёллар дафтари”га киритилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар, шунингдек, қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди бор ёлғиз оналарга қўшимча моддий ёрдам бериш чораларини кўриб боради.

#### **6-§. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга турар жой ижара компенсациясини тўлаш**

34. Маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ҳамда фуқароларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари “хонадонбай” ҳамда уларнинг мурожаатларига асосан ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича фуқаролар йиғинлари раислари ва хотин-қизлар фаоллари томонидан турар жой учун ижара компенсациясини тўлаб бериш бўйича талабномалар шакллантирилади.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга турар жой ижара компенсацияси мазкур талабномалар ҳамда секторлар раҳбарлари ва туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғининг хулосаси асосида белгиланган тартибда тўлаб берилади.

Бунда:

турар жой ижараси тўғрисидаги шартнома уч томонлама – ижарага берувчи, ижарага олувчи ва туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими ўртасида тегишли йилнинг сўнгги кунигача бўлган муддатга тузилади;

турар жой ижараси учун тўловларнинг 50 фоизи, лекин кўпи билан 500 минг сўмгача бўлган қисми “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

Турар жой ижараси учун тўловлар ижарага берувчига тўғридан-тўғри тўланади.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва уларнинг бирга яшайдиган оила аъзолари бошқа дастурлар доирасида, ҳомийлик ёки бошқа маблағлар ҳисобидан уй-жой билан таъминланган ёхуд уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича ижтимоий ёрдам (кўмак) олган ёки имтиёزلардан фойдаланган хотин-қизларга мазкур Низом асосида турар жой ижара компенсацияси ажратилмайди.

Турар жой ижара компенсацияси тўлаб турилган даврда уй-жой билан таъминланган ёки ижтимоий уй-жойга жойлаштирилган хотин-қизларга янги турар жойга кўчиб ўтган ойдан бошлаб кейинги ойнинг биринчи санасидан турар жой ижара компенсацияси тўхтатилади. Мазкур тартиб ажратилган турар жой яшаш учун шароити мавжуд бўлган ҳолда хотин-қизлар томонидан кўчиб ўтиш рад этилган тақдирда ҳам қўлланилади.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий уй-жойларга ижара ҳуқуқи асосида беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга кейинчалик узайтириш имконияти билан жойлаштирилиши ёки ҳомийлар томонидан мулк ҳуқуқи асосида уй-жой билан таъминланиши мумкин.

Ушбу бандда кўрсатилган имтиёزلардан фойдаланиш учун хотин-қизларга ижтимоий контракт асосида касб ўрганиш, меҳнат қилиш имконига эга бўлса, мустақил ёки аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси асосида ишга жойлашиш бўйича ижтимоий мажбуриятлар юкланади.

#### **7-§. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш**

35. Секторлар ишчи гуруҳлари томонидан тегишли мутахассислар жалб қилинган ҳолда, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг уй-жойи ҳолати ўрганилади ва нуқсон далолатномаси ҳамда таъмирлаш ёки қурилиш материалларини олиб бериш бўйича смета ишлаб чиқилиб, “Аёллар дафтари” жамғармаси Васийлик кенгашига киритилади.

Ҳар бир уй-жойни таъмирлаш ишларига “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорда маблағ ажратилади.

36. Васийлик кенгаши томонидан таъмирлаш сметаси бўйича тегишли қарор қабул қилиниб, маблағ ажратилади ҳамда қурилиш ташкилотига (пудратчига) ёки қурилиш материаллари етказиб берувчи корхонага ўтказиб берилади.

Бунда қурилиш ташкилотга (пудратчи) ёки қурилиш материаллари етказиб берувчи корхона давлат харидларининг электрон тизими орқали аниқланади.

37. Секторлар раҳбарлари туманлар (шаҳарлар) қурилиш бўлимлари билан биргаликда маблағ ажратилган вақтдан бошлаб таъмирлаш ишлари сифатли бажарилишини ташкил этади ва назорат қилади.

#### **8-§. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатиш**

38. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларига тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати сектор ишчи гуруҳи томонидан аниқланганда, уларнинг саломатлиги ҳудудий бирламчи тиббий - санитария муассасасидан шифокор жалб қилинган ҳолда баҳоланади.

Ўрганиш натижасига кўра тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати тиббиёт ходими томонидан аниқланганда, белгиланган тартибда тегишли бирламчи тиббий - санитария муассасасига йўналтирилади ва стационар ёки амбулатор даволаниш масаласи ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифага кирмайдиган, аммо бирламчи тиббий - санитария муассасаси томонидан вилоят ёки республика даражасида даволаниши лозим деб топилган “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларининг даволаниши билан боғлиқ бўлган харажатлар, секторлар раҳбарлари хулосасига асосан “Аёллар дафтари” жамғармаси ва Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда қоплаб берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифага кирмайдиган вилоят ёки республика даражасида даволаниши лозим деб топилган “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандлари белгиланган тартибда электрон навбатга қўйилиши таъминланади.

Ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлган беморлар белгиланган тартибда кўриқдан ўтиш учун Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларига юборилади.

39. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва (ёки) уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларига даволаш, дори воситаларини олиб бериш ёки мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун маблағ зарур бўлган ҳолатларда, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ва сектор раҳбари хулосалари билан тиббий муолажа харажатлари “Аёллар дафтари” жамғармаси, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ва “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.

Бунда дори-дармон олиб бериш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваригача ҳамда мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача миқдордаги харажатлар “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилади;

“Аёллар дафтари”га киритилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки сурункали касалликларга чалинган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг ва (ёки) уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларининг, шунингдек, лозим бўлганда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамроҳлик қилувчининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудида жойлашган тиббий муассасаларга даволаниш учун бориш-келиш йўл харажатлари секторлар раҳбарлари хулосасига асосан “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан тўлаб берилади.

Бунда хотин-қизлар йўл харажатларини тасдиқловчи ҳужжатларни тегишли туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига тақдим этади.

Йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда, йўлкирага ҳақ тўлаш ҳар бир километрга базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,08 фоизи миқдорида амалга оширилади.

Беморни махсус транспорт воситасида тиббий муассасага етказиш лозим бўлган тақдирда, йўл харажатларини тўлаб бериш учун туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ҳулосаси олинади.

#### **9-§. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш**

40. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга сайёр қабуллар орқали куйидагилар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади:

**прокуратура органлари** – ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш, судга мурожаат қилиш тартибини тушунтириш, судга мурожаат қилиш учун керак бўладиган ҳужжатларни расмийлаштиришга кўмаклашиш;

**ички ишлар органлари** – тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни ушбу таҳдидлардан ҳимоя қилиш, такрорий зўравонлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида профилактик суҳбатдан ўтказиш ва зўравонлик содир этган шахсни тузатиш дастуридан ўтиш бўйича ваколатли органга юбориш, ҳимоя ордери талабларининг ижросини назорат қилиш ҳамда унинг талабларини бузиб зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ваколати доирасида чора кўриш;

**адлия органлари** – ҳуқуқий маслаҳатлар бериш.

#### **10-§. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга психологик ёрдам кўрсатиш**

41. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга “Аёллар маслаҳат кенгаши”, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази, унинг ҳудудий ва туманлараро намунали марказлари, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳузуридаги “Хотин-қизлар ҳуқуқий, психологик маслаҳатхонаси”, таълим муассасаларининг, малакали психологлари томонидан психологик маслаҳатлар бериб борилади.

#### **5-боб. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштириш**

42. Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштириш мазкур Низомнинг 2-иловасида кўрсатилган манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳомийлик, халқаро молия институтлари грантлари ҳамда қонунчилик

хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳам молиялаштирилиши мумкин.

Туман (шаҳар)лар кесимида ажратиладиган маблағлар тақсимооти ҳар чорак учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва “Микрокредитбанк” АТБ, “Агробанк” АТБ ва АТ “Халқ банки” томонидан ҳар чоракдан олдинги ойнинг 20-санасига қадар туман (шаҳар)лар ҳокимликларига етказилади.

43. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга ёрдамлар кўрсатилиши Низомнинг 3а-иловасига мувофиқ маълумотнома бўйича юритилади.

#### **6-боб. “Аёллар дафтари” дан чиқариш тартиби**

44. Хотин-қизлар қуйидаги ҳолларда “Аёллар дафтари”дан чиқарилади:

ҳар бир тоифа бўйича белгиланган амалий ёрдамлар тўлиқ кўрсатилганда (индивидуал дастур асосида);

тўлиқ давлат таъминотига олинганда;

ўз аризасига кўра;

“Аёллар дафтари”га ноқонуний киритилганлиги аниқланганда;

бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда;

суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи ҳукми қонуний кучга кирганда;

шахс вафот этган тақдирда ёки суд қарори асосида бедарак йўқолган деб топилганда.

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг индивидуал дастурга киритилган масалалари тўлиқ ҳал этилгунга қадар уларни “Аёллар дафтари”дан чиқаришга йўл қўйилмайди.

Доимий ва вақтинча яшаш учун республиканинг бошқа ҳудудига кўчиб ўтганда, доимий яшаш ва вақтинча турар жойи бўйича рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмасдан “Аёллар дафтари”га тегишли ўзгартиришлар киритилади.

45. Секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари билан келишилган ҳолда, мазкур Низомнинг 44-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича “Аёллар дафтари”дан чиқариш юзасидан таклифларни ҳар йили декабрь ойида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари муҳокамасига киритади.

46. Хотин-қизларни “Аёллар дафтари” рўйхатидан чиқариш, “Йўл харитаси” ва индивидуал дастурларга ўзгартиришлар халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида киритилади.

47. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида “Аёллар дафтари”дан чиқарилган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар секторлар штаблари котиблари томонидан 3 кундан ошмаган муддатда ахборот тизимига киритилади.

“Аёллар дафтари”дан чиқарилган хотин-қизлар туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан 5 кун ичида бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинади.

#### **7-боб. “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ижросининг мониторинги**

48. “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ижроси мониторинги уларнинг индивидуал дастурлари орқали мониторинг қилинади.

Индивидуал дастурлар туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан юритилади.

Анкета-сўровномалар ва индивидуал дастурларнинг асл нусхалари туманлар (шаҳарлар) оила ва хотин-қизлар бўлимларида 5 йил муддат давомида сақланади.

49. Индивидуал дастурда кўрсатилган тегишли чора-тадбирлар ижроси белгиланган масъуллар томонидан таъминланади ҳамда индивидуал дастурда қайд этиб борилади.

Мутасадди ташкилотларнинг масъул ходимлари, секторлар штабларининг котиблари томонидан “Аёллар дафтари”га киритилган ҳар бир хотин-қизнинг аниқланган муаммолари бартараф этилганлиги ҳақидаги ҳисоботлар ҳар иш куни соат 18.00 гача ахборот тизимига киритиб борилади.

Туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими маълумотларни кўриб чиқади ва таҳлил қилади ҳамда маълумотларнинг асослилигини ўрганиш учун ҳар 10 кунда секторлар раҳбарларига тақдим қилади.

50. Секторлар раҳбарлари ҳар ойнинг 1-санасига қадар тақдим қилинган маълумотларни ҳамда амалга оширилган ишларни тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчилари билан таҳлил қилади, муаммоларни бартараф этиш чораларини кўради ҳамда амалга оширилган ишларни туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига киритади.

51. Секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари, масъул ташкилотлар раҳбарлари индивидуал дастурларда белгиланган чора-тадбирлар ижроси ва унинг ҳаққонийлиги бўйича ҳар ой якунида тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ахборот бериб боради.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида секторлар, идора ва ташкилотлар раҳбари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи ҳисоботи эшитилиб, уларга тегишли баҳо берилади.

Туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими ҳар ойда якуний маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармасига тақдим қилади.

52. Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармаси ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар маълумотларни таҳлил қилади, қайта ишлайди ҳамда умумлаштирилган маълумотларни Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасига тақдим қилади.

53. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳар ойда ҳудудий бошқармалардан олинган маълумотларни тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан таҳлил қилади.

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси “Аёллар дафтари”нинг юритиш учун масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг барча даражадаги раҳбарларининг ҳисобдорлигини ҳар чорак якуни билан белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли котибияти тақдим қилинган ахборот хатини таҳлил қилади, республика даражасида ҳал қилинадиган масалаларни ўрганеди.

Вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликларга мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг топшириқ хати юборилади.

54. Вазирлар Маҳкамаси таҳлилий маълумот ва таклифларни кўриб чиқади ҳамда зарурат бўлган ҳолларда, “Аёллар дафтари”нинг юритилиши бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокама қилишга материаллар тайёрлайди.

55. Барча муаммолар бартараф этилиб, индивидуал дастурда қайд этилган чора-тадбирлар тўлиқ бажарилгандан сўнг “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва масъуллар томонидан тасдиқланиб, хотин-қизлар рўйхати халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига “Аёллар дафтари”дан чиқариш учун киритилади.

56. “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизими натижаси бўйича ҳисобот бериш Низомнинг 3б-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

## 8-боб. Яқунловчи қоидалар

57. Секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари ахборот тизимида “Аёллар дафтари”ни юритиш билан боғлиқ масалаларни тўлиқ акс эттириб борилишини таъминлайди.

58. “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш:

**маҳалла даражасида** – туман (шаҳар) секторлари раҳбарлари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиғи, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари;

**туман (шаҳар) даражасида** – вилоят секторлари раҳбарлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳудудий кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармалари;

**вилоят даражасида** – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар;

**республика даражасида** – Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси.

59. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари мазкур Низом доирасида амалга ошириладиган ишлар учун ажратилган маблағларнинг самарали ва мақсадли ишлатилишини назорат қилади.

60. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар  
муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш  
ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1а-илова

## АНКЕТА СЎРОВНОМА

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар), \_\_\_\_\_ маҳалласи

\_\_\_\_\_ (сўровнома ўтказилган шахс Ф.И.О.)

1-сектор

2-сектор

3-сектор

4-сектор


Сўровнома ўтказилган сана: \_\_\_\_\_ йил, \_\_\_\_\_

## СЎРОВНОМА

### I. Сўровнома иштирокчисининг шахсий маълумотлари

1. Ф.И.О. (тўлиқ ёзилиши лозим)

2. Туғилган санаси: \_\_\_\_\_ кун \_\_\_\_\_ ой \_\_\_\_\_ йил Ёши: \_\_\_\_\_

3. Доимий (прописка ёки вақтинчалик рўйхат) яшаш манзили:

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) \_\_\_\_\_ кўчаси  
\_\_\_\_\_ уй \_\_\_\_\_ хонадон

4. Тел. рақами:

(\_\_\_\_) \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

ўз уйида  ижарада  нотураар жойда

4. Қариндошлари (билан) уйида

5. Паспорт (ID рақами) серияси:

Паспорт рақами:

6. Паспорт \_\_\_\_\_

ИИБ томонидан

\_\_\_\_ / \_\_\_\_ / \_\_\_\_ йилда  
берилган

7. СТИР (ИНН):

### II. Оилавий ва ижтимоий ҳолати

8. Айти пайтда оиласи “Темир дафтар”га киритилганми?  ҳа  йўқ

Илгари оиласи “Темир дафтар”га киритилганми?  ҳа  йўқ

Илгари оиласи “Темир дафтар”га киритилган бўлса, оиласига кўрсатилган ёрдам тури ва “Темир дафтар”дан чиқарилган санаси \_\_\_\_\_

9. Айти пайтда оиласи “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилганми?  ҳа  йўқ

Илгари оиласи “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилганми?  ҳа  йўқ

Илгари оиласи “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган бўлса, оиласига кўрсатилган ёрдам тури ва “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”дан чиқарилган санаси: \_\_\_\_\_

10. Айти пайтда фарзанди “Ёшлар дафтари”га киритилганми?  ҳа  йўқ

Илгари фарзанди “Ёшлар дафтари”га киритилганми?  ҳа  йўқ

Илгари фарзанди “Ёшлар дафтари”га киритилган бўлса, фарзандига кўрсатилган ёрдам тури ва “Ёшлар дафтари”дан чиқарилган санаси: \_\_\_\_\_

11. Илгари “Аёллар дафтари”га киритилганми?

ҳа  йўқ

“Аёллар дафтари”га киритилган бўлса, кўрсатилган амалий ёрдам тури ва чиқарилган санаси: \_\_\_\_\_

12. Оилавий ҳолати

оила қурмаган  оилали  ажрашган

бева, боқувчиси йўқ аёл  ёлғиз она

13. Қарамоғидаги фарзандлари:

йўқ  бор

\_\_\_\_\_ нафар, шундан вояга  
етмаганлар \_\_\_\_\_ нафар

14. Оиланинг моддий ва маиший аҳволи

яхши  қониқарли (ёрдамга муҳтож эмас)  қониқарсиз (ёрдамга муҳтож)

15. Ногиронлиги борми:  бор  йўқ

Бор бўлса,  
1-гурух  2-гурух  3-гурух

**III. Ишсизлик ҳолати ва меҳнат қилиш истаги**

16. Бандлик ҳолати:

уй бекаси  расман ишлайди  норасмий секторда банд

пенсия  
(нафақа)  ишсиз   
олувчи

17. Маълумоти:

олий  ўрта-махсус

ўрта  маълумотсиз

18. Маълумоти бўйича мутахассислиги:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

19. Меҳнатга лаёқатлилиги:

лаёқатли

лаёқатсиз

20. Қизиқиши: (тикувчилик,  
сартарошлик, пазандачилик ва бошқа.)

21. Касби (ҳунари):

22. Ишлаш истаги бор:

Қайси соҳада: \_\_\_\_\_

код рақами: \_\_\_\_\_

23. Ишлаш истаги йўқ:

Сабаблари: \_\_\_\_\_

Енгил саноат соҳасида \_\_\_\_\_

Соғлиги  Ногиронлиги   
тўғри келмайди

Қишлоқ хўжалиги соҳасида \_\_\_\_\_

Уй бекаси  Бола   
парваришида \_\_\_\_\_

Тадбирколик тармоғида \_\_\_\_\_

Чет элга кетмоқчи

Ўзини ўзи банд қилмоқчи \_\_\_\_\_

Қўшимча даромад манбаига  
эга

<p>Ҳақ тўланадиган жамоат иши <input type="checkbox"/></p> <p>Ўз мутахассислиги бўйича <input type="checkbox"/></p>	<p>Ўқишга тайёргарлик кўрмоқчи <input type="checkbox"/></p> <p>Оиласи ўзига тўқлиги <input type="checkbox"/></p>
<p><b>24. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги:</b> <input type="checkbox"/> бор <input type="checkbox"/> йўқ</p> <p><b>Бор бўлса, тадбиркорлик соҳаси:</b></p> <p>_____</p> <p><b>Кредит олиш истаги:</b> бор <input type="checkbox"/> йўқ <input type="checkbox"/></p> <p><b>Кредит суммаси:</b> _____ млн сўм</p> <p><b>Гаров таъминоти:</b> бор <input type="checkbox"/> йўқ <input type="checkbox"/></p> <p><b>“Устоз-шогирд” асосида фаолият юритиш хоҳиши:</b> бор <input type="checkbox"/> йўқ <input type="checkbox"/></p>	<p><b>25. Яшаш хонадонида мавжуд:</b></p> <p>Экин ер майдони: _____</p> <p>Йирик шохли мол сони: _____</p> <p>Майда шохли мол сони: _____</p> <p>Парранда сони: _____</p> <p><input type="checkbox"/> Кўп қаватли уйларда истиқомат қилади</p>
<p><b>26. Касб-хунарга ўқиш истаги:</b> бор <input type="checkbox"/> йўқ <input type="checkbox"/></p> <p><i>Бор бўлса, қайси соҳада: (код рақами киритилади):</i></p> <p>Пазандалик соҳасида: <input type="checkbox"/> _____</p> <p>Қишлоқ хўжалиги соҳасида <input type="checkbox"/> _____</p> <p>Тадбиркорлик (хунарамандчилик) <input type="checkbox"/> _____</p> <p>Бошқа <input type="checkbox"/> _____</p>	<p><b>27. Чет элда ишлаш истаги:</b></p> <p>бор <input type="checkbox"/> йўқ <input type="checkbox"/></p>
<p><b>28. Номида уй-жой, ер-мулк борми?</b></p> <p>бор <input type="checkbox"/> йўқ <input type="checkbox"/></p>	<p><b>29. Номида уй-жой, ер-мулк бўлмаса, уй-жойга эҳтиёжи:</b> <i>(эҳтиёжи бор бўлса, асословчи сабаблари аниқ келтирилади)</i> бор <input type="checkbox"/> йўқ <input type="checkbox"/></p>
<p><b>30. Ўзининг ёки бирга турадиган оила аъзосининг номида автотранспорт борми?</b></p> <p>бор <input type="checkbox"/> йўқ <input type="checkbox"/></p>	<p><b>31. Қўшимча даромад манбалари:</b></p> <p>_____</p> <p>_____</p>
<p><b>32. Уй-жойининг таъмирга муҳтожлиги:</b></p> <p>оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган яшаш майдони (кв.м.)</p> <p>_____</p> <p>Ўта таъмирталаб <input type="checkbox"/></p> <p>Ўртача <input type="checkbox"/></p> <p>Таъмирлашга зарурат йўқ <input type="checkbox"/></p>	<p><b>33. Қўшимча муаммолари:</b></p> <p><input type="checkbox"/> тиббий      <input type="checkbox"/> ҳуқуқий      <input type="checkbox"/> психологик</p>

**34. Изох:** (мазкур саволномада кўзда тутилмаган ҳолатлар, шахснинг мавжуд муаммоси аниқ кўрсатиб ўтилиши лозим, уй-жой, ишсизлик, соғлиги бўйича, моддий, ижтимоий маиший ва бошқалар.)

---

---

---

**35. Сўровнома ўтказилган фуқаро:**  
*(Ф.И.О.) шахсий имзо*

**36. Сўровнома ўтказган шахс:**  
*(Ф.И.О.) шахсий имзо*

---

---

“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-  
қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш  
ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
16-илова

**“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН**  
**\_\_\_\_\_НИНГ**  
**(Ф.И.О.)**  
**ИНДИВИДУАЛ ДАСТУРИ**

**\_\_\_\_\_туман(шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими**

(индивидуал дастурни тузиш учун ваколатли орган (ташкilot))

№ \_\_\_\_\_

Дастур тўлдирилган сана: \_\_\_\_\_ “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

## I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. **Фамилияси, исми, отасининг исми:**

---

2. **Туғилган санаси:**

---

3. **Турар жойи манзили:**

---

4. **Телефон рақами:**

---

5. **Маълумоти:**

---

6. **Тамомлаган таълим муассасаси:**

---

7. **Мутахассислиги:**

---

8. **Иш жойи ва лавозими:**

---

9. **Паспорт серияси, рақами ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжат, ушбу ҳужжатларнинг берилган вақти, берган орган номи:**

---

10. **ЖШШИР:**

---

11. **Электрон почта манзили:**

---

## II. “АЁЛЛАР ДАФТАРИ” ТИЗИМИ ДОИРАСИДА БЕЛГИЛАНГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

1. Эҳтиёжмандлик тоифаси:

\_\_\_-тоифа: \_\_\_\_\_

2. Қўшимча эҳтиёжлари:

1. \_\_\_\_\_

2. \_\_\_\_\_

3. \_\_\_\_\_

4. \_\_\_\_\_

3. Кўрсатилиши лозим бўлган бирламчи ва иккиламчи (қўшимча) ижтимоий хизматлар (ёрдамлар) турлари:

T/p	Бирламчи ва иккиламчи (қўшимча) ижтимоий хизматлар (ёрдамлар) турлари	Кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва манбаи	Хизмат кўрсатиш даврийлиги	Хизмат кўрсатиш вақти	Ижро учун масъул ташкилот	Ташкилот раҳбарининг Ф.И.О.	Имзо
<b>Асосий ёрдам турлари</b>							
1.							
2.							
3.							

**Кўшимча ёрдам турлари**

4.							
5.							
6.							

**Изоҳ:** Кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ҳажми ўлчов бирлигида кўрсатиш мумкин бўлган ҳолатларда, тегишли ўлчов бирлигида (м<sup>2</sup>, дона ва бошқа) кўрсатилади.

**Белгиланган ёрдам турлари мазмунига  
розилик билдираман:**

\_\_\_\_\_  
(имзо)

(фуқаронинг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) оила ва  
хотин-қизлар бўлими бошлиғи:

\_\_\_\_\_  
(имзо ва муҳр)

(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ -сектор раҳбари:

\_\_\_\_\_  
(имзо ва муҳр)

(Ф.И.О.)

**4. “Аёллар дафтари”га киритишнинг асоси:**

Халқ депутатлари. \_\_\_\_\_ туман (шаҳар)  
Кенгашининг “\_” \_\_\_\_\_ йилдаги  
\_\_\_\_\_ -сон қарори

## II. “АЁЛЛАР ДАФТАРИ” ТИЗИМИ ДОИРАСИДА КЎРСАТИЛГАН ЁРДАМ ЧОРАЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

### 1. Кўрсатилган ижтимоий хизматлар (ёрдамлар):

Т/р	Кўрсатилган ёрдам тури ва манбаи	Ижро учун масъул ташкилот	Ташкилот раҳбарининг Ф.И.О.	Сана	Имзо
<b>Асосий ёрдам турлари</b>					
1.					
2.					
<b>Қўшимча ёрдам турлари</b>					
3.					
4.					

Берилган ёрдам турлари  
ҳаққонийлигини тасдиқлайман:

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) оила  
ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи:

\_\_\_\_\_ -сектор раҳбари:

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(фуқаронинг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_  
(имзо ва муҳр)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_  
(имзо ва муҳр)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

2. “Аёллар дафтари”дан чиқаришнинг асоси:

Халқ депутатлари \_\_\_\_\_ туман (шаҳар)  
Кенгашининг “\_\_” \_\_\_\_\_ йилдаги  
\_\_\_\_\_ -сон қарори

“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида низомга  
1в-илова

\_\_\_\_\_ туманда (шаҳарда) “Аёллар дафтари”га қиритилиши таклиф этилаётган хотин-қизлар

**РЎЙХАТИ**

T/p	T/p	Ф.И.О.	Туғилган кун, ой, йил	Паспорт серияси ва (ёки ID) рақами	Сектор рақами	Маҳалла номи	Яшаш манзили
<b>I. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар</b>							
1	1						
2	2						
3	3						
<b>II. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар</b>							
4	1						
5	2						
6	3						
<b>III. Боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар</b>							
7	1						
8	2						
9	3						
<b>IV. Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар</b>							
10	1						
11	2						
12	3						

Т/р	Т/р	Ф.И.О.	Туғилган кун, ой, йил	Паспорт серияси ва (ёки ID) рақами	Сектор рақами	Маҳалла номи	Яшаш манзили
<b>V. Уй-жойга мухтож эҳтиёжманд хотин-қизлар</b>							
13	1						
14	2						
15	3						
<b>VI. Қармоғида ногиронлиги бўлган фарзанди бор эҳтиёжманд хотин-қизлар</b>							
16	1						
17	2						
18	3						

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) ҳокими  
1-сектор раҳбари

\_\_\_\_\_  
(имзо ва муҳр)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) прокурори  
2-сектор раҳбари

\_\_\_\_\_  
(имзо ва муҳр)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) ИИБ  
бошлиғи  
3-сектор раҳбари

\_\_\_\_\_  
(имзо ва муҳр)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) ДСИ  
бошлиғи  
4-сектор раҳбари

\_\_\_\_\_  
(имзо ва муҳр)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ туман (шаҳар) оила  
ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи

\_\_\_\_\_  
(имзо ва муҳр)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1г-илова

Республика бўйича “Аёллар дафтари”ни юритиш  
СХЕМАСИ

Босқич	Амалга ошириладиган тадбирлар	Муддат	Масъул			
			Маҳалла	Туман, шаҳар	Вилоят	Республика
1-босқич	Секторлар ишчи гуруҳлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан маҳаллала йиғинлари раиси ва фаоллари билан биргаликда барча йўналишдаги муаммоларни уйма-уй юриш орқали, шунингдек хотин-қизларнинг мурожаатлари, шу жумладан, хотин-қизларнинг “Аёллар маслаҳат кенгаши”га ва “Аёллар дафтари” ахборот тизими орқали мурожаатлари асосида анкета-сўровномаларига орқали муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари ўрганилади.	ҳар йили январь ойи давомида	Сектор ишчи гуруҳлари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари, “Аёллар маслаҳат кенгаши”	Сектор раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бўлими, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, бошқа мутасадди идоралар	Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, бошқа мутасадди ташкилотлар	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, бошқа мутасадди ташкилотлар
2-босқич	Анкета-сўровномалар тўлдирилгандан сўнг Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат	3 кун муддатда	Сектор ишчи гуруҳлари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари,	Туман (шаҳар) ҳокимлиги, секторлар раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бўлими, маҳаллабай	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари,	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳаллабай ишлаш

	<p>муносабатлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлари билан солиштирилади ҳамда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланиб, секторлар раҳбарлари ҳамда туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи томонидан уларнинг индивидуал дастурлари шакллантирилади.</p>		<p>“Аёллар маслаҳат кенгаши”</p>	<p>ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари, аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари, тижорат банклари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман (шаҳар) кенгаши, тиббиёт муассасалари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар</p>	<p>секторлар раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси, бандлик бош бошқармаси, тижорат банклари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳудудий кенгаши, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар</p>	<p>ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, АТ “Халқ банки”, “Микрокредитбанк” АТБ, “Агробанк” АТБ, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа мутасадди ташкилотлар</p>
<p>3-босқич</p>	<p>Индивидуал дастурлар асосида секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи томонидан “Аёллар дафтари” рўйхатига киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатларини ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси” лойиҳасини, имзоланган ҳолда, халқ</p>	<p>3 кундан ошмаган муддатда</p>	<p>Сектор ишчи гуруҳлари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари, “Аёллар маслаҳат кенгаши”</p>	<p>Туман (шаҳар) ҳокимлиги, секторлар раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бўлими, маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари, аҳоли бандлигига қўмаклашиш</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, секторлар раҳбарлари, Оила ва хотин-қизлар бошқармаси, маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни</p>	<p>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, АТ “Халқ банки”, “Микрокредитбанк” АТБ, “Агробанк”</p>

	<p>депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш учун киритилади</p>			<p>марказлари, тижорат банклари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман (шаҳар) кенгаши, тиббиёт муассасалари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар</p>	<p>ривожлантириш бошқармаси, бандлик бош бошқармаси, тижорат банклари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳудудий кенгаши, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар</p>	<p>АТБ, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа мутасадди ташкилотлар</p>
<p>4-босқич</p>	<p>Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши қарори билан “Аёллар дафтари” рўйхатига киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатлари ва “Йўл харитаси” белгиланган тартибда тасдиқланади ҳамда ижрога қаратилади.</p>	<p>Белгиланган муддатда</p>	<p>Сектор ишчи гуруҳлари, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари, “Аёллар маслаҳат кенгаши”</p>	<p>Туман (шаҳар) ҳокимлиги, секторлар раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бўлими, маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, тижорат банклари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман (шаҳар)</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, секторлар раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси, маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси, бандлик бош бошқармаси, тижорат банклари, фермер, деҳқон</p>	<p>Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, АТ “Халқ банки”, “Микрокредитбанк” АТБ, “Агробанк” АТБ, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги,</p>

				кенгаши, тиббиёт муассасалари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар	хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳудудий кенгаши, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар	бошқа мутасадди ташкилотлар
5-босқич	Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида тасдиқланган рўйхатлар секторлар штабларининг котиблари томонидан ахборот тизимига киритилади.	3 кундан ошмаган муддатда	Сектор штаби котиби	Сектор раҳбари, оила ва хотин-қизлар бўлими	Секторлар раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси
6-босқич	Индивидуал дастурда хотин-қизларга белгиланган хизматлар (ёрдамлар) кўрсатилади.	Белгиланган муддатларда	Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари, сектор ишчи гуруҳи, маҳалла фуқаролар йиғини раиси	Туман (шаҳар) ҳокимлиги, секторлар раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бўлими, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази, АТ “Халқ банки”, “Микрокредитбанк” АТБ, “Агробанк” АТБ филиаллари, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман (шаҳар) кенгаши, савдо-	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, секторлар раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси, бандлик бош бошқармаси, АТ “Халқ банки”, “Микрокредитбанк” АТБ, “Агробанк” АТБ филиаллари, соғлиқни сақлаш бошқармаси,	Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, АТ Халқ банки, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош Прокуратура, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш

				саноат палатаси, тиббиёт муассасалари, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, молия, адлия, ички ишлар органлари	фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари худудий кенгаши, ички ишлар бошқармаси, адлия бошқармаси, молия бошқармаси, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, бошқа мутасадди идоралар	вазирлиги ва бошқа мутасадди идоралар
7-босқич	Секторлар раҳбарлари, туманлар (шаҳарлар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари “Аёллар дафтари ахборот тизимида “Аёллар дафтари”ни юритиш билан боғлиқ масалаларни тўлиқ акс эттириб борилишини таъминлайди.	Мунтазам равишда	Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари	Сектор раҳбари, оила ва хотин-қизлар бўлими	Оила ва хотин-қизлар бошқармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
8-босқич	“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган ҳар бир хотин-қизнинг аниқланган муаммолари бартараф этилганлиги ҳақидаги ҳисоботлар ахборот тизимида киритиб борилади.	Ҳар куни соат 18-00 гача	Масъул ташкилотлар ходимлари, сектор штаби котиби, маҳаллалардаги	Сектор раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бўлими	Оила ва хотин-қизлар бошқармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, АТ “Халқ банки”, “Микрокредитбанк”

			хотин-қизлар фаоллари			АТБ, “Агробанк” АТБ, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа мутасадди ташкilotлар
9-босқич	<p>1. Секторлар раҳбарлари, туманлар (шаҳарлар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари, масъул ташкilotлар раҳбарлари индивидуал дастурларда белгиланган чора-тадбирлар ижроси ва унинг ҳаққонийлиги бўйича тегишли Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига ахборот бериб боради.</p> <p>2. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида секторлар, идора ва ташкilotлар раҳбари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи ҳисоботи эшитилиб, уларга тегишли баҳо берилади.</p>	ҳар ой якунида	Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари	Сектор раҳбарлари, Оила ва хотин-қизлар бўлими, масъул ташкilotлар раҳбарлари, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши	Секторлар раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси ва бошқа мутасадди идоралар

10-босқич	Секторлар раҳбарлари, туманлар (шаҳарлар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари билан келишилган ҳолда, “Аёллар дафтари”дан чиқариш юзасидан таклифларни ҳар йили декабрь ойида халқ депутатлари туманлар (шаҳарлар) Кенгашлари муҳокамасига киритади	Ҳар йили декабрь ойида	Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари, сектор ишчи гуруҳи, маҳалла фуқаролар йиғини раиси	Сектор раҳбари, Оила ва хотин-қизлар бўлими	Оила ва хотин-қизлар бўлими бошқармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
11-босқич	“Аёллар дафтари”дан чиқариш бўйича тегишли қарор қабул қилинади.	Заруратга кўра	Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари	Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари	Оила ва хотин-қизлар бошқармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
12-босқич	Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида “Аёллар дафтари” дан чиқарилган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар секторлар штаблари котиблари томонидан 3 кундан ошмаган муддатда ахборот тизимига киритилади	3 кундан ошмаган муддатда	Сектор штаби котиби, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари	Сектор раҳбари, оила ва хотин-қизлар бўлими	Секторлар раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси

13-босқич	“Аёллар дафтари”дан чиқарилган хотин-қизлар туманлар (шаҳарлар) оила ва хотин қизлар бўлимлари томонидан бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинади.	Қарор қабул қилингандан сўнг 5 кун ичида	Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари	туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими	Оила ва хотин-қизлар бошқармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси
-----------	---	--	--------------------------------------	---	---------------------------------	--------------------------------------

“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги  
низомига  
2-илова

**“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун бериладиган кредит, субсидия, грант ва моддий ёрдам турларининг РЎЙХАТИ**

<b>T/p</b>	<b>Кредит, субсидия, грант ёки моддий ёрдам тури</b>	<b>Маблағ миқдори</b>	<b>Молиялаштириш манбаси</b>	<b>Мурожаат этиладиган орган</b>	<b>Маблағ ажратилишига кўмаклашувчи масъул</b>
<b>I. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар учун</b>					
1.	Икки ҳафталик, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга, айрим ҳолларда эса Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда, ўн бир ойгача банд бўлмаган аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш.	меҳнат шартномасига асосан белгиланадиган миқдорда	Жамоат ишлари жамғармаси	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	Ҳоким ёрдамчиси
2.	Иш берувчиларга – аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун тўловни амалга ошириш.	ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари

3.	Касб-хунарга эга бўлмаган ишсиз хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш курсларига жалб этиш.	Ҳисоб-китобга кўра	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	Хотин-қизлар фаоли
4.	Тадбиркорлик субъектларига иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун субсидия ажратиш.	хар бир мослаштирилаётган иш жойи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари
5.	Зарур ҳолларда, сектор раҳбари хулосаси асосида, бир марталик моддий ёрдам бериш.	базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида	“Аёллар дафтари” жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси	Хотин-қизлар фаоли
			“Саховат ва кўмак” жамғармаси	Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши	Хотин-қизлар фаоли
<b>II. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар учун</b>					
6.	Оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун тижорат банки кредитини ажратиш.	33 миллион сўмгача	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш Давлат дастурлари доирасидаги ресурслар	Халқ банки, Агробанк, Микрокредитбанк	Ҳоким ёрдамчиси
7.	“Аёллар дафтари”га киритилган, бироқ кредит олишни рад қилган хотин-қизларнинг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида	225 миллион сўмдан 1 миллиард сўмгача	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш Давлат дастурлари	Халқ банки, Агробанк, Микрокредитбанк	Ҳоким ёрдамчиси

	тадбиркорлик субъектларининг “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаларини молиялаштириш учун банк кредитини ажратиш.		доирасидаги ресурслар		
8.	Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кредит ажратиш.	33 миллион сўмгача	Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси	Ҳоким ёрдамчиси
9.	“Аёллар дафтари”га киритилган тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларни махсус ўқитиш дастури бўйича ўқитилишини таъминлаш.	Ҳисоб-китобга кўра	Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси	Хотин-қизлар фаоли
<b>III. Боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар учун</b>					
10.	Бир марталик моддий ёрдам бериш	базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдорида	“Аёллар дафтари” жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси	Хотин-қизлар фаоли
			“Саховат ва кўмак” жамғармаси	Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши	Хотин-қизлар фаоли
11.	Сектор раҳбари хулосаси асосида, оғир турмуш шароитидаги (уй-жойи таъмирлашга муҳтож, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган) хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш	базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорида	“Аёллар дафтари” жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси	Хотин-қизлар фаоли

**IV. Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:**

12.	Бир марталик моддий ёрдам бериш	базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдорида	“Аёллар дафтари” жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси	Хотин-қизлар фаоли
			“Саховат ва кўмак” жамғармаси	Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши	Хотин-қизлар фаоли
13.	Сектор раҳбари хулосаси асосида, оғир турмуш шароитидаги (уй-жойи таъмирлашга муҳтож, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган) хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш	базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорида	“Аёллар дафтари” жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси	Хотин-қизлар фаоли

**IV. Уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун**

14.	Турар жой ижараси учун компенсация тўлаш.	турар жой ижараси учун тўловларнинг 50 фоизи, лекин кўпи билан 500 минг сўмгача	“Аёллар дафтари” жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси	Хотин-қизлар фаоли
			Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	Хотин-қизлар фаоли

15.	Ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш.	<p>Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги 737-сон қарори талаблари асосида <b>бошланғич бадални тўлаш:</b> уй-жойнинг ҳисобланган қийматининг 15 фоизи миқдорида</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари</p>	<p>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (Уй-жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш комиссияси)</p>	<p>Хотин-қизлар фаоли</p>
		<p>Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги 737-сон қарори талаблари асосида белгиланган миқдорда фоиз тўловларининг бир қисми</p>	<p>Давлат бюджети маблағлари</p>		
		<p>Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарори талаблари асосида <b>бошланғич</b></p>	<p>Давлат бюджети маблағлари</p>	<p>Туман (шаҳар) ҳокимлиги (субсидия тўланадиган фуқароларни танлаб олиш комиссия)</p>	<p>Хотин-қизлар фаоли</p>

		<b>бадални тўлаш:</b> уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорида			
		Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарори талаблари асосида белгиланган миқдорда фоиз тўловларининг бир қисми			
		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони талаблари асосида <b>бошланғич</b> <b>бадални тўлаш:</b> 32 миллион сўм	Давлат бюджети маблағлари	Давлат хизматлари агентлиги ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали	Хотин-қизлар фаоли

		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони талаблари асосида белгиланган миқдорда фоиз тўловларининг бир қисми			
	Ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаб бериш.	Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги 285-сон қарори талаблари асосида <b>бошланғич бадални тўлаш:</b> уй-жойнинг ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорида	Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси	Хотин-қизлар фаоли
16.	Уй-жой билан таъминлаш.	Ҳисоб-китобга кўра	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар,	Хотин-қизлар фаоли

			Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари маблағлари	туман (шаҳар) хокимликлари	
		Ҳисоб-китобга кўра	Ҳомийлик маблағлари ҳисобидан	Сектор раҳбари	Хотин-қизлар фаоли
17.	Сектор раҳбари хулосаси асосида, бир марталик моддий ёрдам бериш.	базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида	“Аёллар дафтари” жамғармаси	Оила ва хотин- қизлар давлат қўмитаси	Хотин-қизлар фаоли
			“Саховат ва кўмак” жамғармаси	Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши	Хотин-қизлар фаоли
<b>VI. Қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар учун</b>					
18.	Бир марталик моддий ёрдам бериш.	базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдорида	“Аёллар дафтари” жамғармаси	Оила ва хотин- қизлар давлат қўмитаси	Хотин-қизлар фаоли
			“Саховат ва кўмак” жамғармаси	Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши	Хотин-қизлар фаоли

19.	Сектор раҳбари хулосаси асосида, томорқадан ва деҳқончиликдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш, жумладан, қуйидаги мақсадлар учун кредит ажратиш: енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш; парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш; деҳқончилик билан шуғулланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш ишларини ташкил этиш; “Томорқа хизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари”ни ташкил этиш.	жисмоний шахсларга 33 миллион сўмгача, фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига 225 миллион сўмгача	Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	Ҳоким ёрдамчиси
	фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига 225 миллион сўмдан юқори	Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	Худудий фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	
<b>“Аёллар дафтари”га киритилган барча хотин-қизлар учун</b>					
20.	Ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларидан ажратилган ер майдонларини суғориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ва электр энергияси билан таъминлаш, берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғлик кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратиш.	базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача	“Аёллар дафтари” жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси	Ҳоким ёрдамчиси

21.	Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида тахсил олаётган (таълим шаклидан қатъий назар) “Аёллар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизлар ёхуд уларнинг олий таълимда тахсил олаётган икки ва ундан ортиқ фарзандларининг бир нафарига бир маротаба тўлов-контракти тўлаб бериш.	базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваригача	“Аёллар дафтари” жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси	Ҳоким ёрдамчиси
22.	Тадбиркорлик қилишни хоҳловчи аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган, ишсиз хотин-қизларга – якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун сарфланадиган харажатларни тўлашда бир марталик субсидиялар бериш.	Белгиланган суммалалар	Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги	Ҳоким ёрдамчиси
23.	“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги қўлда гилам ва ипак мато тўқиш билан шуғулланувчиларга 3 тадан кам бўлмаган иш ўрни яратиш шarti билан гилам ва ипак мато тўқиш дастгоҳини харид қилишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш.	хар бир дастгоҳ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари	Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги	Ҳоким ёрдамчиси

24.	“Яйлов хўжалигини ривожлантириш” уюшмаси аъзоларига кўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун камида битта иш ўрни яратиш шарти билан субсидия ажратиш.	базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари	Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги	Ҳоким ёрдамчиси
25.	Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз фуқароларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўлови учун субсидия ажратиш.	базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача ва уч ойга тенг тақсимланган ҳолда ҳар бир ой учун тўлаб берилади	Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги	Ҳоким ёрдамчиси
26.	Хунармандларнинг “Хунарманд” уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш.	аъзолик бадали миқдорида	Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги	Ҳоким ёрдамчиси
27.	Ўрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачилар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қилган тақдирда, уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш.	6 ой давомида ўртача иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, бироқ ҳар бир ой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробаридан ошмаган миқдорда	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	Ҳоким ёрдамчиси

28.	Енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, шунингдек суғориш воситаларини харид қилиш ҳамда уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун субсидия ажратиш.	1. Енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун: базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача; 2. Суғориш воситаларини харид қилиш учун: базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача; 3. Уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун: базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача.	Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги	Ҳоким ёрдамчиси
29.	Қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиши учун субсидия ажратиш.	базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваригача	Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги	Ҳоким ёрдамчиси
30.	Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз хотин-қизларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидиялар ажратиш.	7 миллион сўмгача	Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги	Ҳоким ёрдамчиси

31.	Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган хотин-қизларга асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари (тикувчилик, тўқимачилик, пазандачилик, соч турмаклаш, дурадгорлик, чилангарлик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги (мотокультиватор, ўт ўриш ўроқ машинаси, пайвандлаш аппарати, ўсимликларга ишлов бериш қурилмаси) ва ҳоказо соҳаларда ишлатиладиган меҳнат қуроллари ва аппаратлари)ни харид қилиш учун субсидия ажратиш.	10 миллион сўмгача	“Аёллар дафтари” жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси	Ҳоким ёрдамчиси
32.	Касб-ҳунар таълими муассасаларига — банд бўлмаган шахслар, айниқса, меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар, кам таъминланган оилаларда яшовчи хотин-қизларни касбга қайта ўқитишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун грант ажратиш.	ҳар бир ишсиз фуқаро учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари
33.	Касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, коллежлар ва олий ўқув юртларида касб-ҳунарга тайёрлаш, агротехнология, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичилик соҳасида фермер ва деҳқон хўжалиқларининг раҳбарлари	ҳар бир ишсиз фуқаро учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари

	ва ишчилари ҳамда томорқа ер эгаларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни молиялаштириш учун грант ажратиш.				
34.	Тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати бўлганда, белгиланган тартибда тегишли бирламчи тиббий санитария муассасаси томонидан стационар ёки амбулатор даволаш.	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Хотин-қизлар фаоли
35.	Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифага кирадиган “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар, шунингдек уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъий назар) фарзандларини ўрнатилган тартибда электрон навбатга қўйиш орқали вилоят ёки республика даражасида тиббий муассасаларда даволаш.	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Хотин-қизлар фаоли
36.	“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва (ёки) уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ	дори-дармон олиб бериш учун базавий ҳисоблаш	“Аёллар дафтари” жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси	Хотин-қизлар фаоли

	<p>ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъий назар) фарзандларига даволаш, доридармон олиб бериш ёки мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун маблағ зарур бўлган ҳолатларда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ва сектор раҳбари хулосалари билан тиббий муолажа харажатларини тўлаб бериш.</p>	<p>миқдорининг 20 бараваригача;</p> <p>мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача</p>	<p>Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси</p>	<p>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси</p>	<p>Хотин-қизлар фаоли</p>
37.	<p>“Аёллар дафтари”га киритилган оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларини реабилитация воситалари билан таъминлаш.</p>	<p>Ҳисоб-китобга кўра</p>	<p>Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси</p>	<p>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси</p>	<p>Хотин-қизлар фаоли</p>
38.	<p>“Аёллар дафтари”га киритилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки сурункали ҳамда юқумли касалликларга чалинган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг ва (ёки) уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъий назар) фарзандларининг, лозим бўлганда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамроҳлик қилувчининг даволаниш амалиёти учун</p>	<p>1. Йўл харажатларини тасдиқловчи (чипта ва ҳоказо) ҳужжатларда кўрсатилган сумма;</p> <p>2. Йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда, ҳар бир километрга базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,08</p>	<p>“Аёллар дафтари” жамғармаси</p>	<p>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси</p>	<p>Хотин-қизлар фаоли</p>

	Ўзбекистон Республикасининг бошқа худудида жойлашган тиббий муассасаларга бориш-келиш йўл харажатларини қоплаб бериш.	фоизи миқдорида; 3. Махсус транспорт воситаси учун сарфланган сумма			
39.	“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар, жумладан туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва фуқаролик паспортини олиш, судга даъво аризаси киритгани учун ундириладиган давлат божи тўловлари ва бошқа харажатлар (адвокатларнинг хизмати учун тўловлар бундан мустасно) сектор раҳбари хулосасига асосан тўлаб бериш.	Давлат божи сифатида белгиланган сумма	“Аёллар дафтари” жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси	Хотин-қизлар фаоли
40.	“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар учун маданий-маърифий, спорт ва бошқа тадбирлар ташкил этиш.	Шакллантирилган харажатлар сметасида миқдорида	“Аёллар дафтари” жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси	Хотин-қизлар фаоли
41	“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг саёҳатларини ташкил	Ҳисоб-китобга кўра	“Аёллар дафтари” жамғармаси	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси	Хотин-қизлар фаоли
			“Саховат ва кўмак” жамғармаси	Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши	Хотин-қизлар фаоли



“Аёллар дафтари” ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида низомга  
3б-илова

**Республика бўйича “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизими  
натижаси бўйича ҳисобот бериш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Муддатлар	Масъуллар
1-босқич	<p>1. Индивидуал дастурлар туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими томонидан юритилади.</p> <p>2. Индивидуал дастурда кўрсатилган тегишли чора-тадбирлар белгиланган масъуллар томонидан ижроси таъминланади ҳамда индивидуал дастурга қайд этиб борилади.</p> <p>3. Мутасадди ташкилотларнинг масъул ходимлари, секторлар штабларининг котиблари томонидан “Аёллар дафтари”га киритилган ҳар бир хотин-қизларнинг аниқланган муаммолари бартараф этилганлиги ҳақидаги ҳисоботлар ахборот тизимига киритиб борилади</p>	<p>йил давомида</p> <p>индивидуал дастурда белгиланган муддатларда</p> <p>ҳар иш куни соат 18.00 гача</p>	<p>Мутасадди ташкилотларнинг масъул ходимлари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар ҳудудий бўлинмалари</p>
2-босқич	<p>Туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими маълумотларни кўриб чиқади ва таҳлил қилади ҳамда маълумотларнинг асослилигини ўрганиш учун секторлар раҳбарларига тақдим қилади.</p>	<p>ҳар 10 кунда</p>	<p>Туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар ҳудудий бўлинмалари</p>
3-босқич	<p>Секторлар раҳбарлари тақдим қилинган маълумотларни ҳамда амалга оширилган ишларни тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари ҳамда ҳоким ёрдамчилари билан таҳлил қилади, муаммоларни бартараф этиш чораларини кўради ҳамда амалга оширилган ишларни туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимига киритади.</p>	<p>ҳар ойнинг 1-санасига қадар</p>	<p>Сектор раҳбарлари, тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари, ҳоким ёрдамчилари</p>

4-босқич	<p>1. Секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари, масъул ташкилотлар раҳбарлари индивидуал дастурларда белгиланган чоратадбирлар ижроси ва унинг ҳаққонийлиги бўйича тегишли Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ахборот бериб боради.</p> <p>2. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида секторлар, идора ва ташкилотлар раҳбари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи ҳисоботи эшитилиб, уларга тегишли баҳо берилади.</p> <p>3. Туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими якуний маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармасига тақдим қилади.</p>	ҳар ой якунида	Секторлар раҳбарлари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, идора ва ташкилотлар раҳбари
5-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармаси маълумотларни таҳлил қилади, қайта ишлайди ҳамда умумлаштирилган маълумотларни Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасига тақдим қилади	кейинги ойнинг 5-санасига қадар	Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармаси
6-босқич	<p>1. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳудудий бошқармалардан олинган маълумотларни тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан таҳлил қилади.</p> <p>2. “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси “Аёллар дафтари”нинг юритилиши бўйича мутасадди бўлган вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликларнинг барча даражадаги раҳбарларининг ҳисобдорлигини ҳар чорак якуни билан белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилади.</p>	ҳар ойда  ҳар чоракда	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, тегишли вазирликлар ва идоралар

7-босқич	<p>1. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли котибияти тақдим қилинган ахборот хатини таҳлил қилади, республика даражасида ҳал қилинадиган масалаларни ўрганади.</p> <p>2. Вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда маҳаллий ҳокимликларга мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг топшириқ хати юборилади.</p>	ҳар чорақда	Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли котибияти
8-босқич	<p>Вазирлар Маҳкамаси таҳлилий маълумот ва таклифларни кўриб чиқади ҳамда зарурат бўлган ҳолларда “Аёллар дафтари”нинг юритилиши ижросини Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокама қилишга материаллар тайёрлайди.</p>	зарур ҳолларда	Вазирлар Маҳкамасининг тегишли котибияти
9-босқич	<p>Барча муаммолар баратараф этилиб, индивидуал дастурда қайд этилган чора-тадбирлар тўлиқ бажарилганидан сўнг “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва масъуллар томонидан тасдиқланиб, хотин-қизлар рўйхати халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига “Аёллар дафтари”дан чиқариш учун киритилади.</p>	ҳар йили декабрь ойида	Секторлар раҳбарлари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 31 мартдаги 145-сон қарорига  
2-илова

**“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни  
қўллаб-қувватлаш жамғармалари тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур низом “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – “Аёллар дафтари” жамғармаси) фаолиятини ташкил этиш, унинг маблағларини шакллантириш, улардан фойдаланиш, ҳисоб ва ҳисоботини юритиш тартибини белгилайди.

2. “Аёллар дафтари” тизими доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни молиялаштириш учун белгиланган тартибда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарорига мувофиқ “Аёллар дафтари” жамғармаси ташкил этилади.

3. “Аёллар дафтари” жамғармаси юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари туман (шаҳар) ҳокимликларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклидаги очилган ғазна ҳисобварақларида жамланади.

**2-боб. “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларини  
шакллантириш**

4. “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджети прогнозининг ортиқча бажарилган қисмининг камида 15 фоизи миқдориди ҳар чоракда ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 24 ноябрдаги ПФ–6118-сон Фармонининг 12-бандида белгиланган тушумларнинг мазкур Фармонга 3-иловага мувофиқ миқдордаги қисми;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари;

ҳомийлик хайриялари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

### 3-боб. “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларидан фойдаланиш

5. “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари:

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз хотин-қизларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун 10 миллион сўмгача субсидия ажратишга;

деҳқончилик билан шуғулланиш учун “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга очиқ электрон танлов асосида ажратилган янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ва электр энергияси билан таъминлаш, берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғлик кўчат харид қилиш ва бошқалар) базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратишга;

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт бараваригача миқдорда моддий ёрдам ажратишга;

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга турар жой ижараси учун тўловларнинг 50 фоизини, лекин кўпи билан 500 минг сўмгача тўлаб беришга;

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш харажатларини базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорда тўлаб беришга;

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар ва (ёки) уларнинг вояга етмаган фарзандларига (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) даволаш, дори воситаларини олиб бериш харажатлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваригача ҳамда мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача миқдорда харажатларни тўлаб беришга;

“Аёллар дафтари”га киритилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёки сурункали касалликларга чалинган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг ва (ёки) уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I ногиронлиги бўлган фарзандларининг ёшидан қатъи назар) фарзандларининг, лозим бўлганда I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ҳамроҳлик қилувчининг Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудида жойлашган тиббий муассасаларга даволаниш учун бориш-келиш йўл харажатларини тўлаб беришга;

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларидан келиб чиқиб, ҳукукий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар, жумладан туғилганлик ҳақида гувоҳнома ва фуқаролик паспортини олиш, судга даъво аризаси киритгани учун ундириладиган давлат божи тўловлари ва бошқа харажатларни (адвокатларнинг хизмати учун тўловлар бундан мустасно) сектор раҳбари хулосасига асосан тўлаб беришга;

Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган (таълим шаклидан қатъи назар) “Аёллар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизлар ёхуд уларнинг олий таълимда таҳсил олаётган икки ва ундан ортиқ фарзандларининг бир нафарига базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан ошмаган миқдоргача “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан секторлар раҳбарлари ҳуросаси асосида бир мартаба тўлов-контрактини тўлаб беришга;

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг эҳтиёжлари ва хоҳиш-истакларини ўрганиш натижалари бўйича уларни қўллаб-қувватлаш доирасидаги маданий-маърифий, спорт, туризм ва бошқа тадбирларни молиялаштиришга;

“Аёллар дафтари”ни юритиш жараёнида фойдаланиладиган анкета-сўровномалар ва индивидуал дастурларни чоп этиш ва кўпайтириш харажатларини тўлаб беришга йўналтирилади.

6. Жамғарма маблағларини ушбу низомнинг 5-бандида назарда тутилмаган мақсадларга йўналтиришга йўл қўйилмайди.

7. “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан тасдиқланган “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг индивидуал дастурлари асосида Васийлик кенгаши қарори асосида сарфланади.

8. “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларини шакллантириш, бошқариш ва улардан фойдаланиш мақсадида ушбу низомга иловага мувофиқ манфаатдор муассасалар раҳбарлари ва жамоатчилик вакилларидан иборат таркибда Васийлик кенгаши тузилади.

Туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Васийлик кенгаши раиси, туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Васийлик кенгаши раиси ўринбосари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимининг ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар билан ишлаш бўйича мутахассиси Васийлик кенгаши масъул котиби ҳисобланади.

Васийлик кенгаши таркиби туман (шаҳар) ҳокими томонидан тасдиқланади.

Васийлик кенгаши раиси ва аъзолари “Аёллар дафтари” жамғармасини бошқариш бўйича фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Васийлик кенгаши раиси “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларини бошқарувчи ҳисобланади.

9. “Аёллар дафтари” жамғармаси Васийлик кенгашининг ишчи органи – туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими ҳисобланади.

10. “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш Васийлик кенгаши қарори асосида амалга оширилади.

Васийлик кенгаши йиғилишлари кенгаш раиси, “Аёллар дафтари” жамғармаси ишчи органи ташаббусига кўра ҳамда заруратга кўра, аммо бир ойда камида бир марта ўтказилади.

11. Васийлик кенгаши раиси Васийлик кенгаши йиғилишларига раислик қилади.

12. Васийлик кенгашларининг қарорлари Васийлик кенгаш йиғилишининг баёни билан расмийлаштирилади.

13. Васийлик кенгаши:

“Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича умумий раҳбарлик қилади ва бу борадаги фаолиятни назорат қилади;

“Аёллар дафтари” жамғармасининг даромад ва харажатлари йиллик параметрларининг маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида ҳар бир маҳалла кесимида тақсимланишини, уларнинг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни, шунингдек, “Аёллар дафтари” жамғармасига юкланилган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

“Аёллар дафтари” жамғармасининг йиллик иш режаси ва дастурларини тасдиқлайди;

“Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларидан фойдаланишда шаффофликни таъминлайди;

“Аёллар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан алоҳида тадбирларни молиялаштириш тартибини белгилайди;

“Аёллар дафтари” жамғармасига ҳомийлик хайриялари, шунингдек, хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантларини жалб қилишга кўмаклашади;

“Аёллар дафтари” жамғармасига юкланилган вазифаларни кенгаш аъзолари ўртасида тақсимлайди;

“Аёллар дафтари” жамғармаси фаолиятига тааллуқли масалаларни кўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қилади;

“Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади;

“Аёллар дафтари” жамғармаси фаолиятига алоқадор бошқа масалаларни кўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қилади.

14. “Аёллар дафтари” жамғармасининг ишчи органи:

“Аёллар дафтари” жамғармасининг йиллик иш режаси ва дастурларини ишлаб чиқади;

Васийлик кенгаши йиғилишлари кун тартибига киритиладиган масалаларни тайёрлайди, йиғилиш баённомасини юритади ва расмийлаштиради;

Васийлик кенгаши аъзоларига Васийлик кенгаши йиғилишининг вақти ва ўтказиладиган жойи тўғрисида хабар беради;

давлат томонидан берилган ижтимоий кўмак ва моддий ёрдам тўғрисида маълумотларни “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг индивидуал дастурида қайд этиб боради;

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг мурожаатлари билан ишлайди ва кўриб чиқиш учун Васийлик кенгашига тақдим этади;

Васийлик кенгаши томонидан қабул қилинган қарор тўғрисида мурожаатчи қилувчига хабар юборади;

Васийлик кенгаши қарори билан Ишчи органга қўшимча вазифалар юкланиши мумкин.

#### **4-боб. “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисобот**

15. “Аёллар дафтари” жамғармаси маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисоботлар туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳисобот бўлимлари томонидан юритилади.

16. “Аёллар дафтари” жамғармаси даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 163-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

17. Туманлар (шаҳарлар) молия органлари томонидан бюджет ижроси ҳисоботини шакллантириш даврида “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисоботи ҳам қабул қилинади.

18. Васийлик кенгаши раиси ҳар ойда “Аёллар дафтари” жамғармаси даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига ҳисобот беради.

19. “Аёллар дафтари” жамғармасининг жорий йилда фойдаланилмай қолган маблағлари кейинги йилга ўтади ва туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига олиб қўйилмайди.

#### **5-боб. Якунловчи қоидалар**

20. Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси мазкур Низом доирасида шаҳар ва туманларда амалга ошириладиган ишлар учун

ажратилган маблағлар самарали ва мақсадли ишлатилиши бўйича назорат ўрнатади.

21. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган  
хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш  
жамғармалари тўғрисидаги низомга  
илова

“Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш  
жамғармаси Васийлик кенгашининг  
ТАРКИБИ

1. Лавозимига кўра – Туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, *Васийлик кенгаши раиси*
2. Лавозимига кўра – Туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, *Васийлик кенгаши раисининг ўринбосари*
3. Лавозимига кўра – Туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи, *Васийлик кенгаши аъзоси*
4. Лавозимига кўра – Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, *Васийлик кенгаши аъзоси*
5. Лавозимига кўра – Туман (шаҳар) молия бўлими бошлиғи, *Васийлик кенгаши аъзоси*
6. Лавозимига кўра – Туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмалашиш маркази директори, *Васийлик кенгаши аъзоси*
7. Лавозимига кўра\*\* – АТ “Халқ банки” туман (шаҳар) филиали бошқарувчиси, *Васийлик кенгаши аъзоси*
8. Лавозимига кўра – Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, *Васийлик кенгаши аъзоси*
9. Лавозимига кўра – Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман (шаҳар) бўлими раҳбари (келишувга кўра), *Васийлик кенгаши аъзоси*
10. Лавозимига кўра – Оммавий ахборот воситалари вакили, *Васийлик кенгаши аъзоси (келишув асосида)*
11. Лавозимига кўра – Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши депутати (келишув асосида)
12. Лавозимига кўра – Туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлими ходими, *Васийлик кенгаши масъул котиби*

**Изоҳ:** \**Васийлик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Васийлик кенгаши таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли функцияларни бажариши зиммасига юкланган шахслар киритилади.*

\*\**АТ “Халқ банки” филиали мавжуд бўлмаган туман (шаҳар)ларда Васийлик кенгаши таркибига “Микрокредитбанк” АТБ ёки “Агробанк” АТБ филиали бошқарувчиси ёхуд АТ “Халқ банки”нинг вилоят филиалининг масъул ходими киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 31 мартдаги 145-сон қарорига  
3-илова

**Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни  
ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси  
ТАРКИБИ**

1. Қ.М. Рафиқов – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, *комиссия раиси*
2. З.Б. Махкамова – Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси, *комиссия раисининг ўринбосари*
3. О.А. Салиев – Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари, *комиссия раисининг ўринбосари (келишув асосида)*
4. М.А. Кадирханова – Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси *(келишув асосида)*
5. Г.М. Маруфова – Олий Мажлис Сенати қўмита аъзоси *(келишув асосида)*
6. Н.С. Нарматов – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими *(келишув асосида)*
7. М.З. Исаев – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими *(келишув асосида)*
8. Т.Б. Сафаров – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими *(келишув асосида)*
9. Р.А. Махмудова – Олий суд раисининг биринчи ўринбосари *(келишув асосида)*
10. С.Б. Артикова – Бош прокурор ўринбосари *(келишув асосида)*
11. А.А. Хаитов – Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
12. М.М. Убайдуллаев – Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг ўринбосари – Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори

13. Э.М. Мухитдинов – бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари
14. Р.Р. Хакимов – олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари
15. У.У. Шарифходжаев – халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари
16. Д.К. Адиллов – қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари
17. Л.Ш. Кудратов – инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари
18. Ш.Ж. Тешаев – қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари
19. А.С. Назаров – сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари
20. И.И. Баситханова – соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари
21. Ш.У. Турдикулова – инновацион ривожланиш вазири ўринбосари
22. Б.Т. Абдуллаев – ички ишлар вазири ўринбосари
23. А.Н. Каримов – адлия вазири ўринбосари
24. Ж.И. Абруев – молия вазири ўринбосари
25. Н.Ҳ. Муслитдинов – мактабгача таълим вазири ўринбосари
26. У.А. Қўқонбоев – маданият вазири ўринбосари
27. У.А. Азамов – туризм ва маданий мерос вазирининг биринчи ўринбосари
28. Ж.Т. Махсудов – ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари
29. С.Т. Эшматов – Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари
30. А.А. Камалов – Марказий банк раисининг ўринбосари (*келтирилган асосида*)
31. Д.М. Ғуломова – Дин ишлари бўйича қўмита раиси ўринбосари
32. Ф.Ф. Абдухаликов – Кинематография агентлиги бош директори
33. М.М. Ҳожиматов – Республика Маънавият ва маърифат маркази директори
34. Ф.Ш. Махмудов – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари
35. И.К. Джасимов – Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари
36. Ш.Х. Атабаев – Акциядорлик тижорат “Халқ банки” бошқаруви раиси

37. Р.Ў. Маматқулов – Акциядорлик тижорат “Агробанк” бошқаруви раиси
38. О.А. Бўтаев – Акциядорлик тижорат “Микрокредитбанк” бошқаруви раиси
39. Г.А. Рашидова – Акциядорлик тижорат “Халқ банки” бошқаруви раиси ўринбосари
40. Х.Н. Хасилов – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи
41. Г.Ғ. Махмудова – “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси *(келишув асосида)*
42. З.Н. Ахмедова – Вазирлар Маҳкамаси масъул ходими
43. А.А. Абдумухторов – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари, *комиссияси штаби раҳбари*

**Изоҳ:** комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг ўрнига янги тайинланган (сайланган) ёки унинг вазифаси юклатилган раҳбар комиссия аъзоси ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 31 мартдаги 145-сон қарорига  
4-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. 4-бандда:

а) биринчи хатбошида:

“оилани” сўзи “нуронийларни” сўзи билан алмаштирилсин;

“1, 2, 3-иловаларда” сўзлари “1 ва 3-иловаларда” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) б” кичик банд чиқариб ташлансин.

3. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, Ёшлар ишлари агентлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

“Ёшлар дафтари”ни юритиш ҳамда унга киритиладиган ёшлар билан ишлаш бўйича тартибни, ҳисобот бериш ва маълумотларни тақдим қилиш шаклини амалиётга жорий этиш;

жамиятда ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка, ёшларга тушунтириш, шунингдек, “Ёшлар дафтари” билан ишлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириб бориш чораларини кўрсин”.

4. 8-банднинг учинчи хатбошиси хатбоши чиқариб ташлансин.

5. 9-бандда:

а) биринчи хатбошидан “, Аёллар дафтари” сўзлари чиқариб ташлансин;

б) “б” кичик бандда:

биринчи хатбошидаги “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда” сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошида:

“тегишлича “Аёллар дафтари” ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

“ўринбосари Б.А. Мусаевга” сўзлари “ўринбосарига” сўзи билан алмаштирилсин;

в) тўртинчи хатбошидаги “Б.А. Мусаев” сўзлари чиқариб ташлансин;

г) бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) олтинчи хатбошидаги “Аёллар дафтари” ва” ҳамда “уларнинг” сўзлари чиқариб ташлансин.

**6.** 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

